

001826

Тариф қиймати:
 Сув 1 м³ 400 (+НДС15%+100 сўм) сўм
 Окава 1 м³ 80 (+НДС15%+100 сўм) сўм

30103

-сонли шартнома

II Гуруҳ истеъмолчиларга ичимлик ва окава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

26. I 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

сув таъминот объектларини боғлиқ Махкамаси (Ф.И.Ш.)
 шаҳида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи 4-ГББМ ЧИТ (Ф.И.Ш.)
 асосида иш олиб борувчи директор И.В. Селмамасов (Ф.И.Ш., лавозими)
 иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил 1-сўв таъминоти хажми учун таъинланган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун сув етказиш нарх бўйича 1565,00 сўм (+НДС 15%) + 100 сўм (махсус устама ҳақ) ни ташкил қилмоқда
 1м³ сув учун 400 сўм (+НДС 15%) + 100 сўм (махсус устама ҳақ)
 1м³ окава сувоқув учун 80 сўм (+НДС 15%) + 100 сўм (махсус устама ҳақ)
 Шу тарихи шартноманинг умумий қиймати 13511990,90 сўмни ташкил қилди (сумма ёзув билан)
 Шу жумладан, бюджет маблағларидан сўм, бюджетдан ташқари
 маблағларидан сўм бюджетдан ташқари маблағлардан
 тўланган кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ҳазначиликни оркали сув таъминоти ва окава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни О'зДСт 950: 2011 «Ичимлик суви, гиненик талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га (кейинчалик матнда – Қондалар деб юритилади), ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам

1 м³ 100 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва окава суви чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этилган хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаси барча объектларининг (физик ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сува эҳтиёжи ва шаҳар сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, қатъий рухсатини тақдим қилади. "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўз аришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қондалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепиш, ҳамда, ичимлик суви билан автомашиналарни ювилиш учун фойдаланиш қатъий манъ этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгиларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилди.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, окава сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва окава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қондаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан таъминланган лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қисқасидан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишдилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма бериши, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни ишга қўлган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қондалар ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакиллариининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият четараси (сув ва окава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг қосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) окава тизими учун магистрал окава тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички окава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш окава қудуғи магистрал окава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, у канализация тармоғининг эксплуатациясида "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш;
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларида хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан қонунийликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқ қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан ишшоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (қўча ва квартал ичидаги) сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан ишшоотлар қурилмига йўл қўймаслик;
- г) коммунал сув қувири, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларини ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи"га жорий ойнинг охириг қунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг метёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентратиясини метёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига беғона шахсларни қўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда, истеъмолчининг 7 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи"томонидан режали олдини олиш таъминлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларида ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларида уланишига рад жавобини берганда;
- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнгин чиққан ерларга сув етказиш ҳажмининг ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишнинг тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувдан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни эътибор бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатта мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўп билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолга оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар қучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларида ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг касддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралаштириш ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан қурилган ишобозлар сабабидан тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушибишига йўл қўймаслик. Ушбу қолабозарлик аниқланганда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланмиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқариш (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, шахар сув тармоғидан етказиб берилмаган сув миқдорида тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорида 2.0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. . Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишдан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) м²;

g – 9.81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиб тегиши;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қонуннинг 87-«б» банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага айлантириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома сапасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади.

-Ўзбошимчилик билан уланб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансадаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчилик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқава суви чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлиқдир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномаларни асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кунини учун 0.4 % пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўпилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқава сувларни чиқариб юборишни қарз ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқава сув чиқариш тизимидан ишари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилган ишлаб чиқариш оқава сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқава сувларини қабул қилиш қоидалари" ҳамда ифлослангичи молдаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қабил ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзилган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги а мувофиқ Тошкент шаҳар туманларaro иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мажбуриятларнинг бажариллигини беэвосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилашади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирилган вақтга муносоиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлимларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 202_ йилнинг 31 декабрга ама қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

«Тошкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ

Тошкент 100060, Филокор 2

Тел: 252-19-68

Факс: 252-19-68

www.tashkent-shahar-suv-ta-minoti.uz

Филокор, дом-2 Тел: 71-252-19-55, 71-252-19-68

P/c: 2263 8000 1001 0149 9507

АТИБ Ипотека банк в Мехнатский филиал

МФО: 00423 ИНН: 201 052 713 ОКЭД: 36000

код НДС: 32601000534

Рахбар

М.У.

(Ф.И.Ш., имзо)

« »

202_

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва

Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос

Масалов Б.



Юридик хизмат

« »

202_ й.

Юридик